

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қўқон “Мурувват” НБШУЭИУ



Б.Джумабаев

Қўқон “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун  
эркаклар интернат уйига 2022-2023 йиллар қиш-куз  
мавсумига Гурунч сотиб олиш бўйича энг яхши таклиф

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Қўқон -2022



## Мундарижа:

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўриқнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. Баҳолаш мезонлари бўйича маълумот
4. Махсулот миқдори ва нархи бўйича маълумот

## I ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА

### ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: “Мурувват” уйига захирага Гурунч сотиб олиш бўйича танлов ўтказиш
- 1.2. Танлов қиймати: **21 560 000 сўм**
- 1.3. Махсулот бўйича сифатлилиги танлов ҳужжатларида илова қилинган.  
Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Махсулот отказиб бериш муддати-аване маблағи ўтказилган кундан бошлаб 10 календар иш кун ҳисобланади.

### ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Қукон “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркақлар интернат уйи (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Қўқон Мурувват уйи Қўқон шаҳар Муқумий 52 уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Қукон “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркақлар интернат уйи “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
  - танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
  - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
  - танлов объектига ўхшаш объектларда ишлар тажрибасининг мавжудлиги;
  - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
  - танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
  - Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.
- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди:
  - кайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
  - мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассасалар келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2.



4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин:

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

### ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

### БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамда уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қамда ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамда икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон тарзда имзоланади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади



## 2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувоҳнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.
3. Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
4. Давлат солиқ идораларига топширган охириги 1 йиллик ҳисоботлари нусхалари.
5. Берилган таклифларда корхонанинг тўлиқ юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари рақамлари кўрсатилган бўлиши керак.
6. Давлат солиқ идораларидан қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

## 3. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

№	Малака талаблари	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Банк маълумотномаси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
2.	Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
3.	Гурунч маҳсулотига мувофиқлик сертификати нусхаси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
4.	Гурунч маҳсулотини ўз вақтида етказиб бериш бўйича қафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
5.	Гурунч сифати қафолат хати булиши шарт	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади

## 4. "Мурувват" уйига сотиб олинадиган Гурунч миқдори ва нархи

№	маҳсулот номи	Ўл.бир	Сони	Нархи	Суммаси
1.	Гурунч	кг	2 200	9 800	21 560 000